

ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАДА НАЗОРАТ БЎЙИЧА ДАВЛАТ
ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ
БҮЙРУҒИ

419 Ўзбекистон Республикаси электр станциялари ва тармоқларини техникавий эксплуатация қилиш қоидалари (I бўлим)га ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
15 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1405-1*

(2010 йил 25 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Электр энергетикаси тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 40-сон, 431-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги 96-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 9-сон, 105-модда) билан тасдиқланган Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси («Ўздавэнергоназорат» инспекцияси) тўғрисидаги низомга асосан **буюраман:**

1. Электроэнергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлигининг 2004 йил 2 сентябрдаги 295-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси электр станциялари ва тармоқларини техникавий эксплуатация қилиш қоидаларига (I бўлим) (рўйхат рақами 1405, 2004 йил 10 сентябрь) ўзгартиришлар ва қўшимча иловага* мувофиқ киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Бошлиқ

А. НИМАТУЛЛАЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 13 октябрь,
194-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.